

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
ИНСТИТУТИ**

Факультет: Иқтисодиёт ва менежмент

Кафедра: Иқтисодиёт

“Ҳимояга тавсия этилди”
Кафедра мудири,
и.ф.н., Ш.Султонов

Баённома “ ___ 2019 йил ___ июнь

5230100- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

таълим йўналиши

**ИК 515 гуруҳ талабаси Гайратов Наврузбек Хамидович “Хизмат
кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш
самарадорлигини ошириш йўллари (Жомбой туман статистика
бошқармаси маълумотлари бўйича)” мавзусидаги
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар: кат.ўқ.Р.Ж.Курбанова

САМАРҚАНД 2019

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	
I.Боб	Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари.....	
1.1	Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини оширишда модернизациянинг объектив зарурияти.....	
1.2.	Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари.....	
2боб	Жомбой туманида хизмат кўрсатувчи корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	
2.1	Жомбой туманининг ижтимоий ва иқтисодий тавсифи.....	
2.3	Хизмат кўрсатувчи корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	
III.Боб	Жомбой туманининг хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш.....	
3.1.	Корхонани модернизациялашда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари.....	
	Хулоса.....	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти“...Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш: миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;.....¹.

Хизмат кўрсатиш соҳаси халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади, иқтисодий муносабатларнинг умумий тизимида қатнашади ва мавжуд жамиятда ҳаракат қиладиган умумий иқтисодий қонунларга бўйсинади. Тармоқларнинг халқаро таснифида уч секторни ажратиш қабул қилинган: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати), ва учламчи (хизмат кўрсатиш соҳаси ёки ижтимоий соҳа).

Биринчидан маҳсулотлар белгиланиши бирлиги нуқтаи назаридан хизмат соҳаси маҳсулоти - қийин ва қарама- қарши тушинчадир. Истеъмол фондини кўпайтиришга йўналтирилган хизматлар ижтимоий соҳа маҳсулоти сифатида кўрилиши мумкин.

Иккинчидан, истеъмол қилинадиган ресурслар хилма хиллиги нуқтаи назаридан ушбу ўхшашлик « номоддий маҳсулотлар» истеъмол қилинадиган ресурслардаги ўхшашлик харажатларнинг ўз структурасида ҳам намоён бўлади, улар бир биридан кескин фарқ қилади.

Учинчидан, кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига кўра хизмат кўрсатиш соҳасида бу биринчи навбатда шунда намоён бўладики, ундаги асосий ишловчилар ўрта ва олий маълумотли мутахассислар ҳисобланади.

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 70 модда. 6 (766) сон Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2017 йил.

Хизмат кўрсатиш фаолияти иқтисодий актив фаолиятнинг бир тури бўлиб, бозор муносабатлари шароитида турли хил хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Ушбу фаолият хизмат кўрсатишнинг ихтисослаштирилган структуралари орқали амалга оширилади, улар ўз навбатида ушбу тизимнинг субъектлари ҳисобланади. Мавжуд субъектлар ижтимоий эҳтиёжларнинг миқёси ва мазмунини баҳолаш орқали барча хохловчиларга ўз хизматларини таклиф этади ва уларни қондиришга ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида: «...аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва сервиснинг ҳажми, ҳамда турларини кескин кўпайтиришга эришиш лозим»² эканлигини ва «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016 — 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»⁴ 55-сон қарорининг қабул қилинишидан бошланган десак, мақсадга мувофиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Давлат дастури ишлаб чиқилди ва бу ҳозирда изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади.

Юқорида қайт қилинган жиҳатларнинг барчаси хизматлар ва хизмат кўрсатиш фаолиятини иқтисодий активликнинг алоҳида шакли сифатида кўрсатади. У хизматлар ишлаб чиқарувчилардан, моҳирлик, ҳаётий тажриба, тадбиркорлик, инсонлар билан муроаса қилишни талаб этади. Истеъмолчилар билан доимий равишда ўзаро ҳаракат қилиш асосида ишлаб чиқарувчилар меҳнат ва ўзларини тутиш услубларини ўзлаштирадilar. Бу ўз навбатида

² И.А.Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизацияси ва ислохот этишдир» - Ўзбекистон НМИУ 2005й, 78 бет. ,

³ Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» - Халқ сўзи 2006йил 18 апрел

⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сон қарори

уларга умумий хизмат кўрсатишни амалга ошириш имконини беради, албатта гуруҳ ёки яқка тартибдаги эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари: Хизмат кўрсатувчи корхоналарни модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини оширишда модернизациянинг объектив заруриятини очиб бериш;
- Хизмат кўрсатувчи корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилинини ўтказиш;
- Корхонани модернизациялашда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўлларини кўрсатиб бериш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолиятининг табиати ҳамда уларни ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш муаммолари савдо корхоналари жихозлари самарадорлигини ошириш масалалари чет эллик олимлардан А.М Фридман, Н.М.Исакова, К.А.Раитский.У.Г., Бичков ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ғ.Қудратов, М.Пардаев, И.Иватов, М.Мухаммедов, И.Йўлдошев, Б.А.Абдукаримов, Э.Шавқиев, Р.Ж.Курбановаларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Лекин савдо корхоналарини замонавий жихозлар билан таъминлаб уларнинг самарадорлигини ошириш муаммоси мавжуд.

Битирув малакавий ишнинг объекти Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатувчи корхона мисолида, предмети эса мамлакатни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши қириш, 3 та бобдан, жадвал, расм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жами бетдан иборат.

I. Боб. Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари

1.1. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини оширишда модернизациянинг объектив зарурияти.

«Ҳозирги вақтда хизматлар соҳасининг ривожланиши моддий ишлаб чиқариш ўсишидан илгарилаб кетмоқда. 2017 йил январ-декабр ойларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида хизматларнинг улуши 47,3 фоизни ташкил этди.

2017 йил январ-декабр ойларида хизматларишлаб чиқариш ҳажми 116795,7 млрд.сўмни ташкил этди ва 8,9 фоизга ошди.

Хизматлар ҳажмининг ошиши бир қаторомилларнинг таъсири билан изоҳланади, жумладан: бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши, масалан, кредит карталари орқали тўловлар, Интернет савдо, янги савдо марказлари, овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналарнинг ташкил этилиши, таълим хизматларини кенгайтириш, дам олиш соҳасидаги танловнинг кенгайиши шулар жумласидандир.»⁵. (хизмат курсатиш)

Шунингдек Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – Ўзбекистон иқтисодининг устувор йўналишларидан биридир. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ унинг имкониятлари аҳоли бандлигини ошириш ва даромадини кўтаришнинг доимий манбаи бўлиб қолди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳажмининг ошиши билан биргаликда уларининг тузилмавий таркиби ҳам ўзгариб боради. Анъанавий – савдо, маиший, коммунал каби хизмат кўрсатишнинг турлари қисқариб, ўрнига янги бозор хизматлари ҳиссаси сезиларли даражада ўсади.

Сервис фаолияти самарадорлигини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари бошқарувини, айниқса, инновацион хизматларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар бошқарувини модернизациялаш зарур.

⁵Davlat statistika qo'mitasi Xizmatlar sohasi statistikasi boshqarmasi.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги чоралар таклиф этилади:

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини давлат томонидан тўғридан-тўғри рағбатлантиришни ривожлантириш, давлатнинг устувор илмий йўналишлари тизимларига мос ҳолда бюджет ва нобюджет молиявий ресурслар (давлат буюртмаси, грантлар, кредитлаш) ни турли соҳадаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга тақсимлаш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасида бизнес-жараёнларнинг реинжинирингини амалга ошири;

- хизмат кўрсатиш соҳасининг давлат томонидан билвосита рағбатлантирилишини қўллаш ва солиқ, амортизация, патент, божхона сиёсати ёрдамида, шунингдек, инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш йўли билан иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларида унинг ютуқларидан фойдаланиш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига турли хил имтиёзлар бериш (бевосита фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорларга ва, шунингдек, уларга у ёки бу ёрдам кўрсатувчи инфраструктура субъектларига); иқтисодиётда ва тадқиқотлар инфраструктурасида инновацион иқлимни шакллантириш, шу жумладан, илмий-техник ахборот миллий хизматида, патентлаш ва лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, статистика, чет эл тажрибасини ўрганишнинг таҳлилий марказлари, илмий-техник ривожланиш истиқболларини тайёрлаш ва улар асосида миллий илмий устувор йўналишлар тизимини шакллантириш ва улардан қарор қабул қилувчи шахсларни ахборот билан таъминлашда учун фойдаланишни йўлга қўйиш

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, ҳозирги вақтда кўпгина хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари амалиётидаги режалаштиришнинг «ўта пессимист» усулига таянувчи, яъни асоссиз равишда режалаштирилган даромадларнинг барча бандларини пасайтириш ва режалаштирилган харажатларнинг барча бандларини кўтаришдан воз кечиш керак. Ушбу ёндашув юқорида кўрсатилганларни мустақамлашга

йўналтирилган, аммо, барибир, биринчидан, режалаштиришнинг ишончлилиги тамойили бузилишига, иккинчидан эса, молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг жиддий пасайишига олиб келадию.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётни модернизациялаш категориясига турлича иқтисодий қарашлар берилган.

В.Гельман иқтисодиётни модернизациялаш деганда, дастлаб, иқтисодий ўсиш, турмуш даражасини ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини⁹ тушунади. Ушбу таърифнинг камчилиги шундаки, чора-тадбирлар мажмуасининг ўзи билангина модернизациялаш рўй бермайди, улар тўғри амалга оширилиши зарур.⁶

Е.Ясин фикрига кўра, иқтисодий модернизация –...барқарор ривожланиш ва ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш учун давлат ва ундаги етакчи тармоқларнинг жаҳондаги рақобатбардошлигига эришишдир¹⁰. Ушбу таъриф модернизациянинг моҳиятини тўлароқ очиб беради, модернизациялаш орқали барқарор ривожланишга эришилади, модернизациялаш жараёнида иқтисодиётнинг реал тармоқларида, жумладан саноатда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлади.

В.Красильщиков томонидан иқтисодиётни модернизациялаш категориясига тўлароқ таъриф берилган. Унинг фикрига кўра, – умумий маънода модернизация XX асрнинг иккинчи ярмида Австралия ва Янги Зеландия, Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг етакчи давлатларидаги турмуш даражаси ва жамиятнинг тараққиёт даражасига етказишга йўналтирилган ижтимоий ва технологик ўзгаришлар йиғиндиси⁷. Мазкур таърифда модернизация дастури амалга ошириладиган давлатнинг специфик хусусиятлари назардан четда қолдирилган. Айрим мамлакатнинг

⁶Гельман В. Авторитарная модернизация: каковы ее перспективы в России [Электронный ресурс] / В. Гельман. — 2008. [http //: www.eu.spb.ru](http://www.eu.spb.ru)

⁷Ясин Е.Г. Модернизация и общество [Текст]: докл. к VIII Междунар. науч. конф. Модернизация экономики и общественное развитие./ Е.Г. Ясин; М.: ГУ ВШЭ, 2007. С6.

тажрибасини механик кўчириб олиш, кутилган натижани бермайди. Айрим иқтисодчилар фикрига кўра, иқтисодий модернизациянинг концептуал ғояси

–иқтисодий, технологик ва институционал жиҳатдан ортда қолишни тан олиш ва уни янги ривожланиш босқичига олиб ўтиш заруриятдан иборат. Ушбу таърифдаги ортда қолиш тушунчасига аниқлик киритиш зарур. Бугун модернизация инновацион иқтисодиётга асосланган жамиятни шакллантириш мақсадида технологик, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий укладни комплекс ўзгартириш сифатида кўрибчиқилмоқда.¹³

Иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий категория сифатида техник-технологик янгилашга қараганда кенгроқ мазмун-моҳият касб этади. Б. Хақимов томонидан модернизация ва янгиланиш ўртасидаги ўзаро фарқли томонлар очиб берилган ҳамда иқтисодий модернизациянинг моҳиятини ёритишда унинг турли белгиларига кўра таснифлаб тизимлаштирилган.¹⁴

Бир гуруҳ иқтисодчилар фикрига кўра, –модернизация ва –инновация|| категорияларини бирлаштирилган ҳолда –инновацион модернизация|| тушунчаси кўринишида қўлланилган. Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар томонидан эса иқтисодиётни модернизациялаш инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги бир босқич сифатида қаралган.

Учинчи гуруҳ иқтисодчилар эса иқтисодиётни модернизациялашда Ғарбий Европани эталон сифатида олиб ғарблаштириш йўналишини танлашган. Иқтисодиётни модернизациялаш иқтисодий категориясига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Иқтисодиётни модернизациялаш ишлаб чиқариш омилларини такомиллаштириш асосида иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат узлуксиз жараёнدير.

Ж. А. Романович хизмат кўрсатиш фаолиятини хизматлар кўрсатиш йули билан инсонларнинг эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган

фаолият⁸ деб таъриф беради. Аммо шуни таъкидлашимиз керакки, хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафакат аник бир инсоннинг эҳтиёжлари кондирилади, балки ташкилотлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ҳам кондирилади.

Б.А.Абдукаримовнинг фикрича, «хизмат кўрсатиш фаолияти деганда якка тартибдаги хизматларни кўрсатиш орқали инсонлар талабини кондиритишга йўналтирилган фаолият турини тушуниш лозим. Ушбу турдаги фаолият билан турли хилдаги ташкилотлар шугулланишадилар. Улар жумласига якка тартибдаги тадбиркорлар ва турли мулк шаклига эга бўлган хизмат кўрсатиш корхоналари киради. Улар меҳнатининг натижаси булиб хизмат ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш тизимига қаршли бўлган субъектлар жумласига тадбиркорлар ёки хизмат кўрсатиш ташкилотларининг жамоалари киради. Юқорида қайт қилинган ташкилотлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- ихтисослаштирилган фирмалар - масалан сайёҳлик, меҳмонхона, даволаш;
- ихтисослаштирилган корхоналар, савдо, транспорт, таъмирлаш ва бошқалар;
- бюро, идоралар - юридик, ахборот, реклама, турар жой.
- муассасалар - қонунни қўриқлаш ва маданият муассасалари бўлиб ҳисобланадиган милиция бўлимлари, театрлар, музейлар, кутубхоналар;
- ташкилотлар - банк, суғурта, қўриқлаш ва ҳоказолар.
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнес тўлиқ тижорат принциплари асосида амалга оширилади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик

⁸ Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006. С – 9¹¹Красильщиков В.А. Модернизация: зарубежный опыт и уроки для России // Модернизация России: условия, предпосылки, шансы. Сборник статей и материалов. Выпуск 1 / под ред. В.Л. Иноземцева. — М.:, 2009 . С 85.

¹² Модернизация Российской экономики: структурный потенциал Колл. авторов / Москва, ИМЭМО РАН, 2010. С.5

¹³Вахабов А.В. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси //Миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва уни ўрта муддатларда амалга оширишнинг устувор йўналишлари. -Т.: 2014. Б. 35

¹⁴Ҳакимов Б. Иқтисодий модернизация ва унинг назарий талқини// Молия илмий журнали Т.: 2011 й. №3- 4 Б. 136-137

Давлат муассасалари аҳолига хизмат кўрсатишни аралаш асосида амалга оширади, яъни қисман тижорат асосида, қисман ижтимоий неъматларни беғараз қайта тақсимлаш механизми базасида. Умумий ҳолатда хизмат кўрсатиш фаолияти аҳолининг кенг маънодаги ижтимоий ва яқка тартибдаги эҳтиёжларини қодириш имкониятини беради, ва шу билан бир қаторда ҳозирги турдаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни самарали ривожлантиради.

Хизмат кўрсатиш фаолиятининг ўзига хос тавсифдаги иқтисодий ҳолатлигини белгиловчи хизматлар аломатлари қуйидагилардан иборат:

- хизматлар кўрсатиш жараёни ўзига хос фаолиятдан ташкил топади унда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига хос бўлади. Ушбу фаолиятнинг натижаси бўлиб, истеъмолчи учун аҳамиятли бўлган фойда, неъматлар, манфаат беради ва у хизматлар ишлаб чиқарувчиси меҳнатига бозор баҳосида ҳақ тўлайди.

- кўрсатилаётган хизматлар ҳис қилиб бўлмайдиган, буюм тавсифида бўлмайди, лекин уларни ишлаб чиқиш учун одатда моддий ресурслар, техника ва махсус асбоб - ускуна зарур.

- уларни тақдим этиш бошланишига қадар хизматлар мавжуд бўлмайди, уларни сақлаш, тахлаш мумкин эмас. Хизматларни ишлаб чиқиш жараёни уларни истеъмол қилиш жараёни билан бир вақтда бошланади.

- истеъмолчи кўпчилик ҳолатларда хизматлар кўрсатиш жараёнида бевосита қатнашади. Қатор хизматларда истеъмолчининг қатнашиши шарт эмас; истеъмолчи хизмат кўрсатишнинг маълум босқичида пайдо бўлиши мумкин, лекин у албатта пайдо бўлиши лозим, чунки усиз хизматлар ўзининг яқунловчи тавсифига эга бўлмайди.

- хизматлар истеъмолчиси уларнинг мулк эгасига айланиши мумкин эмас. Лекин бу хизмат кўрсатиладиган буюмларга тааллуқли эмас. Масалан, тикилган костюм, таъмирланган телевизор ва ҳоказолар.

- хизмат кўрсатиш - бу фаолият, шунинг учун харидор унга пул тўлагунга қадар олдиндан баҳоланиши мумкин эмас.

- конкрет хизмат конкрет истеъмол баҳосини, фақат ушбу йўналишдаги маълум вақтдагина олиши мумкин. Бу ўз навбатида унинг бозорда алмаштирилиш имкониятларини кескин чегаралайди. Шу сабабли хизматларга бўлган талаб кескин ўзгариш тавсифига эга. Хизматлар концептуал назари таҳлили кўпгина муаммолар номоддийлик тавсифини асосий кўрсаткич деб айтилиши ва моддий товардан фарқлаш кераклигини кўрсатяпти. Бироқ кўпгина ҳолларда хизмат натижасида моддий маҳсулотлар яратилади (масалан: уй –жой қуриши, кийим тикиш, мебел таъмирлаш ва хоказолар). Буларда хизмат моддий ишлаб чиқаришдан фарқ қилмайди.

Худди шунингдек, хизматни моддий ишлаб чиқаришдан фарқлашда унинг алоҳидалигини кўрсатишади, лекин ҳозирги хизматнинг асосий соҳасидан бири бўлган «маркетинг муносабатлари» ёрдамида миждозларни узоқ вақт муносабатда бўлишларига эришиляптики, бундай фарқлаш ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.^{9,10}

Мамлакатимизда бозор ислохотларининг чуқурлашуви, иқтисодиётнинг эркинлашиши вამодернизациялаш, рақобатнинг кучайиши вабозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, хусусан, савдо корхоналарининг ҳам фаолият самарадорлигини ошириш заруратини туғдирмоқда. Чунки, самарадорлик таъминланмаган корхонада иқтисодий ўсишга эришилмайди ва бундай вазиятда уларнинг инқирозга юз тутиши ва банкрот бўлиши аниқ. Самарадорлик иқтисодий ўсишни таъминловчи ва тавсифловчи муҳим иқтисодий категориядир. Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ёки жараённинг такомиллашуви самарадорликни ошириш эвазига эришилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарнинг самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг

⁹ Гранросс К. Маркетинг отношений диапазон стратегий /Маркетинг услуг/ 2006 г. №4

¹⁰ Пасечникова Л.В. Маркетинговое управление и маркетинговые технологии в сфере услуг. М.: 2006 г.

сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда *ишлаб чиқариш самарасини*, пул шаклида эса *иқтисодий самарани* тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг

унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Хизмат кўрсатиш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узок муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узок муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки

корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин. Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Япониянинг “Омрон” фирмаси ўзига “Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун” деган иборани шиор қилиб олган. Американинг “Катерпиллер” компаниясининг шиори “Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш” бўлса, “Рибок” фирмаси “Яхши баҳодаги нарх” иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.


Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик котиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона *биринчидан*, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, *иккинчидан*, ўз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, *учинчидан*, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб корхоналар ва ташкилотлар мавжудки, улар орқали истеъмолчиларнинг турли хилдаги талаблари қондирилиб борилмоқда. Бу корхоналар ўзининг тури, йирик ва кичиклиги ҳамда қандай хизмат кўрсатиш билан фарқ қилсада, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги вақт, анъанавий меъёр қоидаларига жавоб беради деб айтолмаймиз. Шунинг учун ҳам корхоналарни модернизациялаш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Энг аввало, модернизация атамасига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга

оид айрим луғатларда унга қўйидаги мазмунда таъриф берилади: “Модернизация объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина асбоб-ускуналар технологик жараёнлар модернизацияланади”¹¹. Фикримизча, бу модернизация тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Модернизациялаш – ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янгилаш, уни замонавий талаблар ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб, у микродаражада амалга оширилади. Чунки, асосан машиналар, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлаш модернизациялаштирилади.



1– расм. Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизация қилиш

¹¹ААЭкономик.док.ру

Мамлакатда модернизациялаш даражасини ифодалайдиган мезонлар (кўрсаткичлар) сифатида саноат ишлаб чиқариши таркибининг такомиллашуви саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва асосий капиталга инвестициялар нисбати, экспорт ва импорт товарлар таркибининг ўзгаришини кўрсатиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ҳақида гап борганда гап борганда, авваламбор унинг аҳолини хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёжини қондиришдаги аҳамиятини таъкидлаш лозим. Ҳозирги иқтисодий-иқтисодиётни модернизациялаш давомида ушбу фаолият янада ривож топди. Бу ҳолат мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга таъсир қилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналаридан масалан овқатланиш корхоналарининг жамиятдаги роли тўғрисида гапирганда, унинг ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни, оддий уй, оилавий ёки индивидуал овқат тайёрлашга нисбатан самаралироқ кечишини таъминлашни эътироф этиш зарур. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

- озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, тез ва сифатли қондириш;
- оқилона ва рационал овқатланиш психологиясини шакллантириш;
- илмий асосланган қилоколорияни истеъмол қилишни таъминлаш;
- истеъмол ҳаражатларини камайтириш (аҳолини вақтини тежаш орқали) натижасида уларга дам олиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, оилада таълим-тарбия ишларига кўпроқ эътибор қаратиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга имконият яратиш ва бошқалар.

Хизмат кўрсатиш корхоналари иқтисодий-иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятига:

биринчидан, ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромаднинг кўпайишига тегишли ҳисса қўшади;

иккинчидан, ходимларнинг меҳнатга лаёқатлилиқ салоҳиятини ва уларни меҳнат унумдорлигини оширишга тегишли имкониятлари;

учинчидан, аҳолининг бандлигини таъминлайди, янги иш ўринларини яратиб беради;

тўртинчидан, аҳолининг пул даромадларини ошишига, уларни харид қобилиятининг ортишига таъсир кўрсатади;

бешинчидан, моддий ва маънавий ресурсларни тежамли сарфлаш орқали озиқ-овқатва ноозиқ овқат ресурсларини тежашга эришилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизацияси деганда, уларни такомиллаштириш, яхшилаш, объектини янгилаш билан ҳозирги замон талаблари ва меъёрлари, техникавий шарт- шароитлари, меъёр ва сифат кўрсаткичларига мос келтириш ишларини бажариш лозим. Хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизацияси бўйича бажарилган ишларнинг ижобий бўлганлигини эса унинг охир оқибат самарадорлигининг ошган ёки ошмаганлиги билан баҳоланади. Корхона фаолиятининг сифат натижаларидан бири бу унинг самарадорлиги ҳисобланади.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарнинг самарадорлигини ошириш учун:

- ижтимоий- маданий модернизациялаш;
- иқтисодий модернизациялаш;
- интеллектуал ва техник технологик модернизациялашни бажариш зарурияти талаб этилади.

Демак, хизмат кўрсатиш корхоналарини ижтимоий маданий модернизациялашда, авваламбор ижтимоий шароит, яъни юртимизда ўзинининг динамик ижтимоий тизими билан очиқ демократик жамиятнинг бўлиши ва унда бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши, ҳуқуқий тизимининг, мулкчилик муносабатининг, демократик тизимнинг бўлиши ўта муҳим ҳисобланади.

Маданий модернизацияда маданий тизим асосий элементларини дифференцияциялаш, ўқимишлилик ва олижаноблик таълимини тарқатиш, замонавий фан ва технологиялар ютуқларига ишончни ривожлантириш, муносабатда махсус ролларни бажариш учун мураккаб, интеллектуал ва

институционал тайёрлов тизимини барпо этиш, кенг оммага мос янги шахсий ички имкониятларидан фойдаланишни, одатларга ва тавсифларга мослаштириш; қизиқиш доирасини кенгайтириш, ҳар бир шахснинг манфаатини рағбатлантирилиши ишонч ҳосил қилиш, доимий ўзгариб алмашилиб турувчи муаммо ва талабларга мос келувчи институционал таркибни ривожлантириш ишларининг бажарилиши лозим бўлади.

Иқтисодий модернизациялашда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни жадаллаштириш кўзда тутилади. Бунда меҳнат дифференцияциясига, ишлаб чиқариш энергетик жиҳозларига, фанни ишлаб чиқариш кучига айланттириш ва ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқ бошқарувини амалга ошириш лозим бўлади. Унинг асосий инсон кучини энергия кучига (пар, электр атом ва х.з) айланттириш; одатий анъанавий фаолиятдан иқтисодий фаолиятни ажратиш, меҳнат қуролларини мураккаб технология ва машиналар билан алмаштиришни; иқтисодиётда саноат ва савдо, хизмат соҳаларига бўлган муносабатни ҳам миқдорий ва ҳам сифат жиҳатдан ўзгартириш; иқтисодда ихтисосликни (ишлаб чиқариш, истеъмол ва тақсимлаш) кластерларини ошириш; индустрлаштиришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда товар ва пул муомаласи, меҳнатга талаб ва мажбурияти, миллий ва трансмиллий муносабатларини ривожлантириш лозим бўлади. Шунингдек мунтазам равишда иқтисодий бошқарув методлари, ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириб борилиши талаб этилади. Фан ва технологиялар ютуқларини ишлаб чиқаришда доимий қўллаб борилиши фанни ишлаб чиқариш кучига айланттиришни талаб этилади.

Модернизация иқтисодиётнинг асосий тавсифи, бу инновацион жараёнларни жадаллаштириш ва уни иқтисодий ўсишнинг асосий омилларига айланттириш ҳисобланади. Иқтисодий модернизациянинг объектив ва субъектив омиллари мавжудки, улар модернизация стратегиясини белгилайди.

Иқтисодий модернизациянинг объектив омилига: фойда олиш ва фойдани ўзлаштириш; баҳолаш, талаб ва таклиф, рақобатчилик кирса,


субъектив омилига эса давлатнинг инновацион ва пул кредит сиёсати, рақобатчи корхоналар стратегияси, истеъмолчиларнинг ҳолати ва х.з.киради. Албатта, ушбу объектив ва субъектив омиллар ўзаро координациялашади ва бир бирига таъсир этиб умумий инновацион стратегияни белгилайди.

Модернизация йўли билан ишлаб чиқариш комплекс ва юқори самарадорлик билан янгиланади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш маҳсулотларини, балким ишлаб чиқариш техника технологиясини, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштиришни умуман барча иқтисодий муносабатларни ўзгартириш лозим бўлади.

Хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари бир бирлари билан ўзаро муносабатда бўлиб, ўз ўзларининг активлигини ошириш эвазига хизмат кўрсатиш маҳсулотларини яратишадилар. Хизмат кўрсатиш маҳсулоти аниқ хизматга қараганда қийин ва кенг ҳажмли ҳолатдир. Ушбу маҳсулот кўйидаги жуда муҳим таркиблардан ташкил топади:

- мавжуд хизматлар хилма хиллиги (конкрет хизмат кўрсатиш корхонаси ва аралаш корхоналар ишловчилари) алоқадор хизмат кўрсатиш фаолияти барча субъектларининг меҳнати;
- маҳсулотни яратишга жалб қилинган ёрдамчи механизмлар, техник асбоб - ускуналарнинг ҳаракат қилиши;
- хизматларда фойдаланиладиган моддий буюмлар, предметлар, товарлар.

Юқорида келтирганимиздек, модернизация объекти сифатида хизмат кўрсатувчи корхонадаги техника ва технологик даражасини ошириш иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва бошқарув аспектларини ўз ичига олиш вазифаси кўйилади. Чунки, корхона асосий фондларининг янгиланиши унинг келгуси ишларида турли хилдаги техника носозлигини, технологияни, жиҳозлар ва машиналарнинг эскиришини олдини олиб, замонавийлигини таъминлайди. Шу билан бирга ишлаб кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.



1.2.1-расм . Ўзбекистонда хизмат қилувчи инфратузилма турлари

1.2. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари

Хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

* бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

* истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

* айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарини самарадорлигини оширишда қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади:

1. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи учта кўрсаткич ишлатилади. Улар қуйидагилар:

$$I. A\Phi_k = \frac{TA}{A\Phi} \quad (A\Phi_k) \text{ асосий фондни қайтими}$$

$$II. A\Phi_c = \frac{A\Phi}{TA} \quad (A\Phi_c) \text{ асосий фондлар сиғими}$$

$$III. A\Phi_p = \frac{\Phi \times 100}{A\Phi} \quad (A\Phi_p) \text{ асосий фондлар рентабеллиги, \% ҳисобида}$$

Бу ерда: ТА – товар айланиши суммаси;

Φ – фойда суммаси ;

АΦ - асосий фондлар суммаси.

